

ОДАМ САВДОСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИ СОДИР ҚИЛИНИШНИНГ САБАБ ВА ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

С. Д Мухаммадиев

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси 311- гуруҳ курсанти

Одам савдосининг уюшган трансмиллий жиноий фаолият сифатида асосий фарқ қилувчи хусусияти бўлиб, уни содир этиш оқибатида жисмоний шахслар товарга айланадилар. Яъни одамлар сотиб олиш ёки сотиб юбориш, ҳада қилиш, топшириш учун объект бўлишлари мумкин. Бошқача қилиб айтганда, улар жонсиз буюмларга тенглаштириладилар. Жабрланувчилар асосан ўз юртидан бошқа давлатларга транзит қилиш, чегаралардан ўтказиш орқали сотиб юборилади. Кўриниб турибдики, ушбу жиноят чегара билмайди, бу шахсларга нисбатан барча ёки айрим кўринишдаги ҳуқуқий эгалик аломатлари амалга оширилади.

Мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган саъй-ҳаракатларга содиқликни намоён қилган ҳолда, одам савдосига қарши курашишга қаратилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидаларини тўла қўллаб-қувватлаб, уларнинг деярли барчасини ратификация қилди. Шунингдек, мустақиллик йилларида давлатимиз хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик (хусусан, одам савдоси)нинг хавфли кўринишларига қарши курашиш ҳақида 29 та шартнома ва келишувларни имзолади

Ҳуқуқбузарликнинг сабабларини, жумладан одам савдоси жиноятларининг сабабларини тушунтиришда турли хил қарашлар мавжуд. Ушбу қарашлар жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий соҳаларда юзага келадиган айрим муаммолар, зиддиятлар билан изоҳланади. Криминологик адабиётларда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни тушунтиришда икки хил ёндашув кўзга ташланади. *Биринчиси* – ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитларнинг ижтимоий ҳодисалар билан боғлиқлигидир. Бунда жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитлар объектив ва субъектив турларга бўлинади. Объектив сабаб ва шарт-шароитлар инсонларнинг иродаси ва онгига боғлиқ бўлмаган тарзда мавжуд бўлади, шу боис уларни бартараф қилиб бўлмайди, аммо уларни чеклаш, бир қисмини зарарсизлантириш, уларнинг салбий оқибатларини камайтириш, яъни уларни назорат қилиш ва уларга таъсир кўрсатиш мумкин.

Субъектив сабаблар ва шарт-шароитлар одамларнинг муайян мақсад йўлидаги фаолиятига тааллуқли ва боғлиқ бўлиб, одатда ушбу фаолиятдаги камчиликларнинг оқибатида юзага келади.

Иккинчи ёндашув жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни инсон, ижтимоий гуруҳ, жамият ҳаётининг субъектив соҳаси билан боғлиқдир. Н. Ф. Кузнецованинг фикрига кўра, сабаб ҳар доим оқибат билан бевосита боғлиқдир, ундан ҳеч қандай оралиқ бўғинлар билан ажралмаган. “Бизнингча, – деб ёзади Н. Ф. Кузнецова, – оқибатнинг энг яқин (бевосита) сабабигина сабаб деб аташга лойиқдир... Жиноятчилик (ва жиноят)нинг бундай бевосита сабаби субъектив омил, яъни индивидуумлар, ижтимоий гуруҳлар психологиясидаги нуқсонлардир. Айнан улар жиноятчиликнинг сабаблари сифатида қаралиши мумк Профессор Н. Ф. Кузнецова жиноятчиликнинг сабабларига ижтимоий-психологик детерминантларни киритади; шахснинг жинойи руҳда шаклланишига имкон берувчи шароитларга эса оиланинг, яқин атрофидагиларнинг, мактабдаги, ишлаб чиқаришдаги, маиший тарбиядаги камчиликларнинг, ҳар хил ташкилий бошқарувга оид хато ва камчиликларнинг салбий таъсири сингари ҳодисаларни киритади. Шундай қилиб, жиноятчиликнинг сабабларини тушунтиришга нисбатан ушбу ёндашув жиноятчиликни келтириб чиқарувчи ижтимоий-психологик омиллар, аввало, мотивлар (субъектив сабаблар) билан боғлиқ. Шарт-шароитлар эса *макро-* ва *микромухитда* ўз ифодасини топади. Бунда микромухитга асосий эътибор қаратилади, чунки индивид ана шу даражада ижтимоийлашади.

Микромухит даражасида ижтимоий психологияда нуқсонлар шаклланишига ва билвосита микромухит даражасидаги ижтимоий институтлар орқали аниқ шахсларга ҳам таъсир этади. Субъектив сабаб (*шахснинг мойиллик ҳолати*) билан шахс бўлган вазият (объектив шароит) ўртасидаги ўзаро таъсир фақат яқка даражада юз беради. Ана шу ўзаро таъсир оқибатни келтириб чиқаради. Бошқа томондан, ўзаро таъсир (ушбу ҳолда муайян шахснинг вазият билан шахснинг мойиллик ҳолат) бундай ўзаро таъсирнинг пировард натижаси бўлмиш оқибат (жиноят) билан амалга оширилиши мумкин эмас. Худди шунингдек оқибат ҳам (қайтма алоқа принципи бўйича) амалгашиб бўлган ва оқибат пайдо бўлганидан кейин йўқолган ўз сабабига (шахснинг мойиллик ҳолатига) таъсир эта олмайди.

Одам савдоси жиноятини содир этган шахсларда ғайриижтимоий хулқ-атвор ривожланишининг профилактикасига қаратилган муҳим йўналишни уларни тарбиялаш, уларда жамият манфаатлари билан уйғунлашган манфаатларни шакллантириш, ижтимоий зарурат талабларига бўйсунган ҳолда ўз манфаатларини бошқариш ва жамият манфаатлари билан мослаштириш кўникмаларини ривожлантириш ташкил қилади.

Мотивлар. Махсус адабиётда мотив деганда, инсонни маълум эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ фаолиятга ундовчи омил тушунилади. Кенг маънода мотивларга эҳтиёжлар ва инстинктлар, майллар ва эмоциялар (ҳис-туйғулар), шахснинг мойиллик ҳолати ва идеаллар киритилади. Жиноят

ҳуқуқи фанида, жумладан, криминологияда шаклланган нуқтаи назарни келтирадиган бўлсак, жиноят содир этилиши мотивларининг (криминологияда эса хатти-ҳаракат мотивлари асосида жиноятчиларнинг айрим типлари ажратилади) қуйидаги турлари ажратилади: ғаразли, ғаразли ва зўравонликка асосланган, зўравонликка асосланган ва эгоистик (худбин), анархистик–индивидуалистик ва ҳ.к.

Мотивларни талқин этишга бўлган *ушбу икки ёндашувни* юзаки (тахминий) қиёслагандаёқ, биз уларни тушуниш ва талқин этишда катта фарқлар борлигини аниқладик.

Биологияда мотивларни инсонни ҳаракатга ундовчи мия тузилмаларининг фаол ҳолати билан боғлайдилар. Ушбу тузилмалар ирсий тарзда мустаҳкамланган ёки якка тартибда ва гуруҳий эҳтиёжларни қаноатлантиришга қаратилган тажриба туфайли орттирилган бўлади. Бундай ҳолда биологиядан махсус билимларга эга бўлмай туриб ҳам, мотивларни якка тартибда жиноий хулқ сабаблари билан бирдай қараш мумкин эмас, акс ҳолда, “туғма жиноятчи” назариясига олиб борувчи йўлга оғиб кетамиз.

Шахснинг мойиллик ҳолати – мотивлар занжирини яқунловчи, шахснинг атрофдаги ижтимоий муҳит билан ўзаро таъсирига восита бўлувчи йўналиши, шунингдек унинг муайян шахсий манфаатлар мажмуини қамраб олувчи хусусияти. У ижтимоий-психологик категория бўлиб, муайян инсонга хос бўлган ундовларнинг иерархик тарзда бир-бирига бўйсунилишини билдиради.

Манфаатлар – субъектив ҳаракатлантирувчи куч, шахснинг воқеликни субъектив идрок этиши, субъект ҳаракатларининг умумий потенциал сабаблари йиғиндисидан бўлак нарса эмас. Аммо муайян ҳаракатнинг энг яқин сабаби бўлиб шахснинг муайян вазиятдаги муайян ҳаракатга ижтимоий детерминантланган мойиллиги сифатидаги шахснинг мойиллик ҳолатидир.

Шундай қилиб, шахснинг мойиллик ҳолатлари йиғиндиси у ёки бу шахснинг ахлоқий-психологик даражасини акс эттиради, деб хулоса чиқариш мумкин. Шу боис индивиднинг ижтимоийлашув (жамиятга мослашув) жараёнида ҳосил қилинадиган ва аниқланадиган ҳар хил (ғаразли, зўравонликка асосланган ва бошқ.) шахснинг мойиллик ҳолатлари индивид жиноий ҳаракатининг аниқ, ҳақиқий сабаблари деб аталиши мумкин.